



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 16 июль, № 144 (9039)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИСТИҚБОЛЛИ ТАШАББУСЛАРНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ўсишини таъминлаш жараёнида кенг аҳоли қатламининг иштирокини ҳамда уларнинг турли соҳалардаги истиқболли ташаббусларини рағбатлантириш ва инновацион фаоллигини янада оширишнинг самарали механизмларини жорий қилиш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

1. Куйидагилар аҳолининг истиқболли ташаббусларини рағбатлантириш чора-тадбирларининг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

а) самарали ва халқчил ислохотларни амалга оширишда кенг жамоатчилик ва жамиятнинг турли қатламлари вакиллари, хусусан, етук мутахассислар, ёшлар, тадбиркорлар, фаол фуқаролар ва ватандошларнинг (кейинги ўринларда — кенг аҳоли қатлами) иштирокини қўллаб-қувватлаш;

б) мамлакат рақобатбардошлигини ошириш, янги технологиялар ва илм-фан ютуқларини интеграция қилиш;

в) истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг аҳоли қатлами учун очик мулоқот майдонини яратиш;

г) замонавий, илғор ғоялар ва истиқболли ташаббусларни саралаш ва танлаб олишнинг самарали механизмларини жорий қилиш.

II. “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумини ўтказиш

2. 2025 йилдан бошлаб ҳар йили “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумини (кейинги ўринларда — Форум) ўтказиб бориш амалиёти жорий қилинсин.

3. Белгилансинки:

а) Форум “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш жараёнида кенг аҳоли қатламининг истиқболли ташаббусларини қўллаб-қувватлашга ҳамда уларнинг фаоллигини рағбатлантириш ва кенг тарғиб қилишга қаратилган;

б) Форум ўтказиладиган устувор йўналишлар ҳар йили “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) томонидан белгилаб берилди;

в) Форумга умумий тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Ташкилий қўмита, истиқболли ташаббусларни баҳолаш Менторлар кенгаши томонидан амалга оширилади;

г) Стратегик ислохотлар агентлиги Форумга келиб тушган истиқболли ташаббусларни йиғиш, уларнинг ягона рўйхатини шакллантириш, махсус крауд платформага joyлаштириш ва эълон қилиб боришга ҳамда Форум натижаси бўйича маъқулланган истиқболли

ташаббусларнинг масъул вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилишини мувофиқлаштиришга масъул ҳисобланади;

д) Форумни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар 2025 йилда Стратегик ислохотлар агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 2026 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутиб борилади;

е) Форумни ўтказиш жойини тегишли воситалар (баннерлар, видеороликлар, экранлар, алоқа ва бошқа воситалар) билан таъминлаш “Интерфорум” ДУК томонидан амалга оширилади;

ж) Форумнинг эндаумент фонди ихтиёрий маблағлар асосида шакллантириладиган фонд сифатида ташкил этилади;

з) Форумда маъқулланган истиқболли ташаббусларни тижоратлаштириш ва молиялаштиришга “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ ва бошқа тижорат банклари, шунингдек, Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси масъул ҳисобланади.

III. Ташкилий чора-тадбирлар

4. Куйидагилар:

а) “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага мувофиқ;

б) “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумининг менторлар кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ;

в) “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумини ўтказиш тартиби тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

г) “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумини 2025 йилда ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

а) Форумга тайёргарлик жараёнида келиб тушган истиқболли ташаббуслар топ-50 ва топ-10 талик тартибда сараланади;

б) Менторлар кенгаши томонидан топ-10 деб топилган энг долзарб истиқболли ташаббуслар Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида ўтказиладиган Форумнинг ялпи мажлисида муҳокама қилинади;

в) Форумнинг ялпи мажлисини ўтказиш якунлари бўйича маъқулланган истиқболли ташаббусларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади;

г) чора-тадбирлар режасига киритилган истиқболли ташаббусларни амалга ошириш учун кредит ва грантлар

ажратилиши, солиқ, божхона ва бошқа рағбатлантириш чоралари қўлланиши мумкин;

д) Форум доирасида келиб тушган бошқа ташаббуслар Вазирлар Маҳкамасига давлат дастурларини, тегишли соҳа, тармоқ ёки ҳудудларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни шакллантириш мақсадида юборилади ҳамда Ҳукумат томонидан уларни амалга ошириш юзасидан зарур чоралар кўрилади.

6. Стратегик ислохотлар агентлиги (Б.Рахматов) ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норкулов), “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ (С.Аннакличев) ва “Интерфорум” ДУК (Б.Зуфаров) билан биргаликда икки ой мuddатда Форумда иштирок этишни хоҳловчи шахсларни очик электрон рўйхатга олиш, анкета тўлдириш, истиқболли ташаббуснинг профили ва кун тартиби, дастури, иштирок этиш шартлари, шунингдек, бошқа маълумотлар олиш имкониятини берувчи крауд платформаси яратилишини ва ишга туширилишини таъминласин.

7. Ташкилий қўмита (Б.Рахматов):

а) 2025 йилда ўтказиладиган Форумнинг устувор йўналишларини белгиласин;

б) икки ой мuddатда Форумни 2025 йилда ўтказишнинг аник санаси ва жойи ҳақида таклиф киритсин;

в) Форумни ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар режасининг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини, шунингдек, масъул ижрочилар фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Форумни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни оммавий ахборот воситаларида, жумладан, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини таъминласин.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

9. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Стратегик ислохотлар агентлиги директори Б.Б.Рахматов белгилансин.

10. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 14 июль

ВАШИНГТОНДА «ЎЗБЕКИСТОН БИЗНЕС ЕТАКЧИЛАРИ» ДАСТУРИ МУҲОКАМАСИ



Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси дипломатлари “Америка кенгашлари” томонидан уюштирилган “Ўзбекистон бизнес етакчилари” дастурига бағишланган давра суҳбатида иштирок этди.

Биз ва жаҳон

Унда, шунингдек, Давлат департаменти ходимлари, бизнес ҳамжамияти, экспертлар ва академик доиралар вакиллари ҳамда “Ўзбекистон бизнес етакчилари” алмашинув дастурининг 2025 йилги танлови ғолиблари қатнашди.

Тадбирда “Америка кенгашлари” президенти Лиза Чоате, АҚШ Давлат қотибнинг таълим ва маданият масалалари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Ребекка Пассини, Ўзбекистон элчиси Фуқрат Сидиков, Ресурсларни ривожлантириш бўйича миллий марказ директори Жо Капп, “Америка — Ўзбекистон” савдо палатаси ижро-чи директори Елена Сон, Халқаро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси бўлим директори Тара Блейк маъруза қилди. Анжуман доирасида бўлиб ўтган биринчи сессияда Ўзбекистон ва АҚШ иқтисодий муносабатларининг ривожланиш босқичлари, бизнес доираларининг алмашинув дастурлари ҳамда олинган билимларнинг мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдони оширишдаги ўрни муҳокама қилинди. Иккинчи сессияда иштирокчилар ўртасида иқтисодий муносабатларни ривожлантириш бўйича таклиф ва ташаббуслар кўриб чиқилди.

ҚАЙНОҚ ФАСЛНИНГ УНУТИЛМАС ҲАЯЖОНЛАРИ



14 июлдан бутун мамлакатимиз бўйлаб 2025/2026 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари старт олди.

«Абитуриент — 2025»

Жорий йил олий таълим даргоҳларига кириш учун 671 397 нафар абитуриент рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 63 фоиздан ортиги жорий йилги битирувчилар ҳисобланади.

Кувонарлиси, бу йил талабгорлар орасида аёллар сони ўтган йиллардагига нисбатан кўп, яъни 53,8 фоизни ташкил қилмоқда. Бу эса хотин-қизларнинг олий таълим ва талаб юқори бўлган касбларга қизиқиши ортаётганидан далолат, албатта.

Тест синовлари ҳар кун икки сменада — 1-смена соат 08:00 дан 11:00 гача, 2-смена 15:00 дан 18:00 гача бўлиб ўтмоқда. Мамлакатимиз бўйича 65 та йирик бинода ташкил этилаётган синов жараёнларида ҳар кун 70 мингдан ортиқ абитуриентлар қатнашмоқда.

— Пойтахтимиз Тошкентда ўн кун ичида 115 мингдан ортиқ абитуриентлар

тест топширади, — дейди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Билим ва маълумотнинг баҳолаш агентлиги жорий йилги битирувчилар ҳисоблари Бобур Юсупов. — Синовлар ўтказиш учун “Ўзэкспомарказ”, “Ёшлик” спорт мажмуаси ва Ўзбекистон Миллий университети спорт заллари ҳозирланган бўлиб, барчасида кондиционер ҳамда куял парталар ўрнатилган. Эҳтиёт чораси сифатида тиббиёт ходимлари наватчилик қилмоқда.

Жараёнларни кузатиш мақсадида “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида бўлди. Бу ерда тест синовларининг шаффоф, адолатли ва ҳолис ўтиши учун зарур ташкилий ва техник чоралар кўрилган. Илм талабгорларидан эса фақат билим, хотиржамлик ҳамда тартиб-интизом талаб қилинапти.



Сенат қўмитасида

СОҒЛОМ РАҚОБАТ — ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ



Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг 15 июль кунини бўлиб ўтган мажлисида Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг жорий йил биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Муҳокама давомида қайд этилдики, ушбу даврда давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларига рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари нормаларининг бузилиши билан боғлиқ 87 та тақдирнома киритилиб, рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига зид деб топилган 15 та ҳужжат бекор қилинган.

Шу билан бирга, 21,1 минг истеъмолчининг 16 млрд. сўм ҳажмдаги манфаатлари ҳимояга олинган.

Ўтган давр мобайнида 320 та, шу жумладан, 73 та табиий монополия субъектида, товар ёки молия бозорида устун даврга эга бўлган 90 та ҳўжалик юритувчи субъектда, давлат иштирокидаги 48 та корхонада, эксклюзив ҳуқуқлар берилган 41 та ҳўжалик юритувчи субъектда, 33 та республика ҳамда 35 та маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятида монополияга қарши комплекс тизими жорий этилган.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида давлат буюртмачилари томонидан бошлангич қиймати 13,2 трлн. сўмлик 13,6 мингта давлат хариди бўйича ўтказилган таҳлиллар на-

тижасида буюртмачилар томонидан 8,8 мингта ва савдолар жараёнида 13 мингта рақобатга зид ҳаракат аниқланган.

Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсири баҳолаш методикаси асосида вазирлик ва идоралар тайёрлаган 439 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг 219 тасида рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига зид нормалар бартараф этилган.

Рекламаларнинг joyлаштирилиши ва тарқатилиши бўйича 7,8 мингдан ортиқ ҳолатларда аниқланган турли камчиликларни тезкор тўғрилаш чоралари кўрилган.

Сенаторлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги асосий кўрсаткичларини тизимли равишда таҳлил қилиб бориш орқали рақобат мўҳитига салбий таъсир этувчи омиллар ва тизимли муаммоларни бартараф қилиш ишларини қўлайлаштириш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини берди.

Мажлис якунида қўмитанинг рақобатни ривожлантириш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЮРТ РАВНАҚИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Спикер Н. Исмоилов ўтган ҳафтада мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим воқеаларга тўхталди. Жумладан, 10 июль кунини давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишлари, аҳолининг турмуш шароити, sanoat корхоналари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида пойтахтимизнинг Шайхонтохур ва Чилонзор туманларида бўлиб, жамоатчилик вакиллари билан мулоқот қилгани, таширф давомида аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, гастротуризмни кенгайтириш, бандлиқни таъминлаш ҳамда туманларнинг sanoat салоҳиятини оширишга қаратилган устувор вазифалар кўрсатиб ўтилгани қайд этилди.

10 июль кунини Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилингани, унда кўзда тутилган вазифалар байрам тадбирларини тантанали руҳда ўтказиш билан бирга, янги Ўзбекистон тараққиётининг мазмун-моҳиятини, амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда янгиланишлар мазмунини халқимизга ва халқаро жамоатчиликка етказишда муҳим аҳамият касб этиши таъ-

кидланди. Депутатлар корпуси жойларда уюштирилаётган тадбирлар ҳамда сайлов округларидаги учрашувлари давомида юртимиздаги кенг қўламли ислохотлар ва эришилаётган ютуқларни аниқ мисоллар билан аҳолига етказишлари мақсадга мувофиқлиги айтилди.

Мажлисида, шунингдек, суд мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, ёқилғи-энергетика ресурслари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, таълим хизматларини кўр-

Бюрократик тўсиқлар бекор қилинмоқда

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Муҳокамада депутатлар илғор хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олиб, тадбиркорлик субъектларининг вақт ва маблағ билан боғлиқ қўшимча харажатларини қисқартириш, судларда қўриладиган ишлар бўйича ортиқча овозрағчиликларнинг олдини олиш, бюрократик тўсиқлардан воз кечиш орқали тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишни соддалаштириш зарурати мавжудлигини алоҳида қайд этди.



2-3

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ СОҲАСИ ЯНАДА ШАФФОФЛАШАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Муҳокама

Мажлисида сенаторлар, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Миграция агентлиги мутасаддилари, маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари ва қўмита хузуридаги эксперт гуруҳи аъзолари, Ёшлар парламенти вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун меҳнат миграцияси соҳасидаги хизмат кўрсатиш жараёنларининг шаффофлигини таъминлаш, хусусий бандлик агентликлари фаолиятини тартибга солиш, уларнинг масъулиятини кучайтириш, шунингдек, иш берувчилар ва ходимларга қўшимча қулайликлар яратишга қаратилган.

Қонун билан хусусий бандлик агентликларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини кенгайтириш, иш вақтидан ташқари ишлангани давомийлигини белгилаш ҳамда шундай иш учун ҳақ тўлаш ти-

зимини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Қайд этилганидек, мазкур нормалар меҳнат миграцияси соҳасида қонунийликни таъминлашга, муҳожирларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга, ноқонуний фаолиятга чек қўйишга ҳамда соҳага хусусий секторни жалб этишга қулай имконият яратади.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу қонун хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоялашга, миграция хизматларини рақамлаштириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш орқали хусусий сектор иштирокчи рағбатлантиришга, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга, ташкилотларда иш унумдорлигини ошириш ҳамда ходимларнинг даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

СЕНАТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҲАМКОРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Сенати томонидан маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари аъзоларининг билим ва қўнимчаларини ошириш, қонунчиликдаги янгиликлардан хабардорлигини кучайтириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида тизимли равишда семинар ва амалий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Семинар

Шу мақсадда жорий йилнинг 16-17 июнь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари доимий комиссиялари расислари ва маҳаллий Кенгаш котибиятлари ходимлари учун Сенат қўмиталарида ҳамда Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш марказида амалий ўқув машғулотлари ўтказилган эди. Бундан кўзда тутилган мақсад маҳаллий вакиллик органларини парламент фаолиятига янада яқинлаштириш, қонун ижодкорлиги жараёнида уларнинг иштирокини фаоллаштиришдан иборат.

Ушбу тадбирлар шу кунларда ҳам давом этиб, халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши котибияти ходимлари Сенат хузуридаги Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш марказида амалиёт ўтамоқда. Улар мазкур амалиёт доирасида Сенат қўмиталари ва марказ фаолияти билан танишиб, маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривож-

лантиришда маҳаллий вакиллик органларининг иштироки ва ташаббускорлигини кучайтириш масалаларини муҳокама қилмоқда.

Қонун ижодкорлиги жараёнида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш, қабул қилинаётган қонунларда худудий хусусият ва эҳтиёжларни акс эттириш бўйича амалий қўнимчалар шакллантирилмоқда.

Ўқув-амалиёт иштирокчиларининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссия раиси ўринбосари, сенатор Гулнора Маъруфова билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда маҳаллий Кенгашлар ва доимий комиссиялар фаолиятини янада такомиллаштириш, Сенат қўмиталари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, маҳаллий ишро ҳокимияти фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини амалга ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

МАҲАЛЛА ЁШЛАРИГА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Шухрат Асланов Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги Сарой маҳалласи ёшлари билан учрашди.

Сенатор ва ёшлар

Маҳаллада 10,7 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, уларнинг 2,2 мингтини ёшлар ташкил этади. Ушбу ҳудудда оқова сувнинг йўқлиги томорқада деҳқончилик билан шуғулланиш шaroитини оғирлаштириб, айрим ёшларнинг ердан фойдаланиш имкониятларини ҳам чеклаган. Сенатор мазкур муаммо “Ташаббусли бюджет” жараёнида ечим топиши учун амалий ёрдам кўрсатилишини маълум қилди.

Шунингдек, учрашувда ёшларнинг бандлиги, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, билим ва қўнимчаларини ошириш, яшаш шaroитларини яхшилаш бўйича амалий ишлар ва қонунчиликдаги янгиликлар муҳокамадан ўтказилди.

Сенатор мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратил-

«Халқ сўзи».



Хусусан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиққа оид ҳуқуқбузарликлар юзасидан солиқ органи томонидан тадбиркорлик субъектининг банклардаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияларни 10 кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор суд томонидан солиқ органининг илтимосномасига асосан қабул қилиниши белгиланган. Бунда мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарлик тадбиркорлик субъекти томонидан тан олинган ва эътироз билдирилмаган бўлса-да, унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни 10 кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш фақат судлар томонидан амалга оширилишига оид талаблар солиқ тўловчиларга ноқулайликлар келтириб чиқармоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Иқтисодий процессуал ҳамда Солиқ кодексларига солиққа оид низоларни тегишли судлар томонидан кўриб чиқиш, шунингдек, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар юзасидан тадбиркорлик субъектининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, башарти тадбиркор эътироз билдирмаса солиқ органининг қарорига асосан амалга оширилиши ҳамда солиқ тўловчи томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бартараф этилган тақдирда солиқ органи қарори белгиланган тартибда дарҳол бекор қилиниши тўғрисидаги ўзгартиришлар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси миллий қонунчилик нормаларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш тадбиркорларнинг вақти ва маблағи тежалишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Судлар фаолиятига аралашувларнинг олди олинади

“Суднинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш чоралари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан судда ишларнинг ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўриб чиқишишга тўсиқ бўлиш ёки суд қарорининг қабул қилиниши бўйича судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказганлик учун белгиланган жиноий жавобгарлик чоралари такомиллаштирилмоқда.

Шунингдек, нафақат суд мажлиси пайтида, балки суд биносида судга ҳурматсизлик қилиш ҳолатлари учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши судьялар мустақиллигининг кафолатларини янада кучайтиради ҳамда судлар фаолиятига ҳар қандай аралашувларнинг олдини олади.

Мажлисида қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш таъминланади

Мажлисида ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш механизмининг такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда энергетика соҳасини модернизациялаш, энергия ресурсларидан самарали фойдаланишнинг таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳисоб-китоб тизимини шаффофлаштириш борасида кенг қўламини ислохотлар амалга оширилмоқда.

ЮРТ РАВНАҚИ ВА АҲОЛИ

Мазкур ўзгаришлар соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни, шу жумладан, энергия ресурсларидан фойдаланиш борасида жорий этилган айрим янги тартиб-таомилларнинг қонуний асосларини мустаҳкамлашни ва уларда истеъмолчиларнинг масъулиятини аниқ белгилашни тақозо қилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида энергия ресурсларидан самарасиз фойдаланиш ҳамда электр энергиясини ишлатиш қоидалари бузилишининг олдини олишга қаратилган қатор нормалар белгиланмоқда. Хусусан, лойиҳада энергия тармоқларига ноқонуний уланishi ва энергия ресурсларини ўзлаштириш ҳолатларига қарши таъсирчан чоралар назарда тутилган. Бундан ташқари, Ўзэнергоинспекциянинг ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасидаги ваколатлари аниқ кўрсатиб ўтилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янада кучайтиришга, ҳалол фаолият юритувчи субъектларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, қонунийлик ва адолат таъминлашнинг тўлиқ таъминлашга йўл очади.



Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Ноширлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланмоқда

“Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ноширлик соҳасини такомиллаштиришга, сифатли адабиётларни чоп этишни қўллаб-қувватлашга, китобхонлик маданиятини оммалаштиришга қаратилган исчи чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Уларни тизимли давом эттириш мақсадида қонун лойиҳаси билан “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунга наشريёт бош муҳаррирининг ҳуқуқий мақомини белгилашга, китобхонлик маданиятини рағбатлантиришга қаратилган қўшимчалар ва ўзгартириш киритилмоқда.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида сиёсий партиялар фракциялари томонидан берилган қатор тақлифлар эътиборга олинган ва уларнинг аксарияти ҳужжат матидада ўз ифодасини топганини қайд этди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ноширлик маҳсулотлари қонунчиликка мувофиқ сифатли чоп этилишига ҳамда жамиятда китобхонлик маданиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда қўшимча имкониятлар

Мажлисида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Жаҳонда озиқ-овқат, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бораётган бугунги кунда ушбу қонун лойиҳасининг аҳамияти катта бўлмоқда. Шу сабабли лойиҳа яқинда Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қизгин баҳс-мунозаралар асосида кўриб чиқилган эди.

Ҳужжат иккинчи ўқишгача бўлган даврда фермерлар, деҳқонлар ва бошқа маҳсулот етиштирувчилар билан яна бир бор муҳокама-лардан ўтказилди.

Мажлисида депутатлар дала четларида маҳсулот етиштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари асосида жорий этилган янги тартибга алоҳида эътибор қаратишди. Унга кўра Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан ҳар йили 1 январга қадар сув таъминоти ва экин экиш имконияти мавжуд бўлган ерлар танлаб олинади ва худуднинг иқлим шaroитидан келиб чиқиб экин турлари бўйича ҳокимликларга тақлиф берилади.

Ҳокимликлар томонидан эса ҳар йили 1 февралга қадар тегишли йил ҳосили учун дала четларида етиштирилмаган маҳсулот, уларнинг тури, қўчати, уруғи ва ажра-ги “дала четларида маҳсулот етиштириш” бўйича мажбурият таъминлаш бўйича мажбурият аниқ мажбурият ҳисобланмади. Амалдаги Ер кодексининг 40-моддаси ва “Фермер ҳўжаликлари тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасида “қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларда мақбул экинлар екилишини ёки тут қўчатлари ўтказилишини таъминлаш” фермер ҳўжалигининг мажбуриятларидан бири сифатида бел-гилаб қўйилган.

Шу нуктаи назардан, қонун лойиҳаси белгиланган мораторий талаблари асосида қайта ишланган ва уларга мувофиқлаштирилган. Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи устидан назорат кучайтирилади

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмларининг муомаласи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан айрим пиротехника буюмларини, хусусан, ҳавфли ҳудуди кичик бўлган Бенгал маёқчалари, дастурхон ва торларни безада ишлатиладиган турли эффект берувчи пиротехника буюмларини ҳисмоний ва юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш, ташин, реализация

«Маърифат ва саховат карвони»:

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА ИЖТИМОЙ КЎМАК

Нурафшон шаҳрида “Маърифат ва саховат карвони” орқали бир қанча ташкилот раҳбарлари аҳоли билан очиқ мулоқот қилмоқда. Бу қарвон маҳаллалар бўйлаб йўлга чиқар экан, ижтимоий-маиший муаммолар ўрганилади, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади, ёшларга касб-хунар ва таълим соҳалари бўйича маслаҳатлар берилади.

Лойиҳа

— Бу тадбирнинг асосий мақсади — инсон қадри ҳар нарсадан устунилигини амалда кўрсатиш. Шу жиҳатдан ҳар бир фуқарони рози қилиш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилганига маҳалламиз мисолида кам гувоҳ бўлиб турибмиз, — дейди Учқун маҳалласида яшовчи Лазокат Холдоров.

“Маърифат ва саховат карвони” тадбирлари доирасида Нурафшон шаҳридаги 22 та маҳаллада истиқомат қилувчи 539 та эҳтиёжманд оила ҳолидан хабар олиш қўзланган. Бунинг учун 4 та кўмак гуруҳи тузилган бўлиб, уларга 108 нафар масъул бириктирилган. Мутасаддилар хонадонма-хонадон юриб, оилаларнинг аҳолидан хабар олмоқда, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганоқда.

Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга биринчи тиббий ёрдам тўппамлари, дори-дармон ва шахсий гигиена воситалари, мактаб ўқувчилари учун ўқув қуроллари, ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара намуналаридан иборат китоблар жамламаси топшириляпти.

Отабек ИСРОИЛОВ
(«Халқ сўзи».)

Биринчи ярим йиллик якунларига кўра мамлакатимизда 28,8 минг дона электромобиль сотилган.

ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ МУҲИМ КАФОЛАТИ

қилиш, сотиб олиш, сақлаш ва улاردан фойдаланишга оид амалдаги тартиб сақлаб қолинмоқда.

Шу билан бирга, қолган хавфли турдаги пиротехника буюмларини эса фақатгина техник ва махсус мақсадларда ишлаб чиқариш, сақлаш, ташши, реализация қилиш ва фойдаланишга руксат бериш кўзда тутиляпти.

Қонун лойиҳаси пиротехника буюмлари муомаласи соҳасида назоратни кучайтириш ва таъсир чораларининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда махсус мослаштирилмаган шароитларда, номаълум, сифатсиз компонентлардан ишлаб чиқарилган ва сертификатланмаган, республика ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб кирилган пиротехника буюмларидан аҳолининг жабрланиши ва зарар кўриши ҳолатларини бартараф этишга қаратилган.

Мажлисида пиротехника буюмларидан ҳамда портатив лазерли нур тарқатгичлардан қонунга хилоф равишда фойдаланишда жазо чоралари турлича белгиланаётган айрим нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволлар кўтарилди.

Қонун ташаббускорлари бу бўйича атрофдаги тушунтириш бериб ўтишган, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Таълим соҳасида муҳим ёндашув

Мажлисида таълим хизматларини кўрсатиш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Бугунги кунда болаларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, тижорат ташкилотлари маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт йўналишида мактабдан ташқари таълим фаолияти билан шугулланиб келмоқда. Шу билан бирга, ҳозирда аксарият ўқув марказлари, ахборот-кутубхона ва соғломлаштириш муассасаларида катта ёшдагиларга ҳам таълим берилмоқда. Бу эса, албатта, катта ёшдаги фуқароларнинг ҳам бундай масканлардан фойдаланишлари учун аниқ ҳуқуқий асосларни яратиш ва уларни мустаҳкамлашни талаб этмоқда.

Қонун лойиҳасида қўшимча таълим нафақат болалар, балки катта ёшдагиларнинг ҳам ижодий қобилиятларини ўстириш ва касбий кўникмаларини ривожлантиришга, интеллектуал ва жисмоний такомиллашувга бўлган индивидуал эҳтиёжларини қондиришга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, саломатлиқни мустаҳкамлашга ва бўш вақтларини самарали ташкил этишга қаратилиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Лицензиялаш, руксат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ҳамда “Педагогининг мақоми тўғрисида”ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонунларда “мактабдан ташқари” атамаси “қўшимча таълим”га алмаштирилмоқда. “Таълим тўғрисида”ги Қонунда қўшимча таълим болалар учун таълим ва катта ёшдагилар учун қўшимча таълим турларига ажратилган. Ҳужжат болалар ва катта ёшдагиларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш, касбий кўникмаларини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва бўш вақтларини самарали ташкил этиш мақсадларини назарда тутилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволлар берилди. Хусусан, **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Имомназар Турсунов** ушбу қонун лойиҳаси куни кеча фракция йиғилишида кенг муҳокама қилинганини қайд этиб, жамиятда ижтимоий тенглик ва имкониятлар яратиш учун ногиронлиги бўлган ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун мактабдан ташқари нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш бўйича қандай имтиёзлар яратиш кўзда тутилади ёки амалиётда қўлланилмоқда, деган савол билан мурожаат қилди.

Қонун ташаббускорлари кўтарилган масала юзасидан батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Муҳокамадан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланмоқда

Мажлисида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Солиқ ва Фуқаролик кодекслари ҳамда 3 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, тадбиркорлик субъектларини тугатиш учун амалдаги 3 йил ичида фаолиятини тикламаганлик талаби 1 йилга қисқартирилиб, солиқ органининг ташаббуси билан рўйхатдан ўтказувчи органининг қарорига кўра тугатиш тақлиф этилмоқда. Шунингдек, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига фойда солиғи ва мол-мулк солиғидан имтиёз берилиши назарда тутилмоқда.

Ҳудудий йиллов ҳўжалиқларининг доимий фойдаланишдаги йиллов ерлари ер солиғидан озод қилинмоқда.

Шу билан бирга, ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиққа тортишга оид қонун ҳужжатларидаги номувофиқлик ҳолатларини бартараф этиш, енгил саноат ва хизматлар соҳасини, ипотека бозори ва фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва креатив парkning резидентларини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ имтиёзларини тақдим қилишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Муҳокамада депутатлар қонун лойиҳаси билан товарларни халқаро ташиниши ташкил этишда кўрсатилган транспорт-экспедиторлик хизматларига нисбатан қўшилган қиймат солиғининг ноль ставкасини қўллаш, доривор ўсимликларни етштириш ва қайта ишлаш кооперативлари ходимлари учун ижтимоий солиқ ҳамда даромад солиғи ставкаси 1 фоиз миқдорда белгиланиши мазкур соҳа ривожини учун катта туртки бўлишини таъкидлашди.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор принципиал саволлар кўтарилди. Жумладан, **Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Сайдулло Азимов** қонун лойиҳасида даромад солиғидан озод қилиш орқали Давлат бюджетига

таъсир этиши мумкин бўлган йўқотишлар масаласида ўз хавотирини билдирди. Депутат бу борада қуйдаги аниқ саволни илгари сурди: берилаётган имтиёзлар натижасида Давлат бюджетига тушмайдиган маблағлар қандай манбалар ҳисобига қопланади? Бунинг компенсация механизми ишлаб чиқилганми? Агар йўқ бўлса, бу ҳужжат келгусида ижтимоий харажатларни қисқартириш ёки ички молиявий муҳитга салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли йўқми?

Халқ вакили, шунингдек, амалда юқори технологиялар жорий этиш имконияти, асосан, йирик саноат субъектларига тегишли экани, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг бундай технологияларга ўтиш имконияти чекланганлигини таъкидлаб, ташаббускорлардан ушбу солиқ имтиёзи эртага кичик бизнес учун бозорда адолатсиз рақобат шароити юзага келишига, нархларни йирик ишлаб чиқарувчилар белгилашига сабаб бўлмайди? Бу ҳолатда давлат томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун қандай мувозанат механизмлари назарда тутилган, деган саволларни ҳам кўтарди.

Қонун ташаббускорлари саволларга апрофлиха жавоб беришди.

Мажлисида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.



Хавфсиз муҳит, жамоатчилик тартиби — устувор масала

Мажлисида маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими ҳамда жамоат тартибини сақлаш соҳасига оид қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Маълумки, криминоген вазият оғир маҳаллаларда ҳолатни барқарорлаштириш ҳамда жиноятларни барвақт профилактика қилиш мақсадида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти такомиллаштирилиб, профилактика бош ва кичик инспектори лавозимлари жорий этилган. Бироқ ички ишлар органлари тизимидаги ишларни кўриш ва чораларни қўллаш ваколати фақат маҳалладаги профилактика инспекторларига берилган бўлиб, бундай ваколат ҳуқуқ-тартибот масканларидаги бош ва кичик инспекторларда мавжуд эмас.

Қонун лойиҳаси билан ҳуқуқ-тартибот масканларидаги ушбу инспекторларга маъмурий ишларни кўриш ва чораларни қўллаш ваколати берилмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирда ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати инспекторларига аниқланган айрим ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий баённомалар расмийлаштириш ваколати берилган бўлса-да, ушбу маъмурий баённомалар юзасидан чораларни қўллаш ваколати тизимдаги бошқа ман-

сабдор шахсларга, жумладан, иш юкломаси катта бўлган туман (шаҳар) ички ишлар бўлим бошлиқлари ва ўринбосарлари, транспортда хавфсизлиқни таъминлаш бўлималари бошлиқлари ҳамда профилактика инспекторларига юклатилган. Бу эса маълум иш бўйича қарор қабул қилишда фуқароларнинг ортиқча вақт сарфлашига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли, мазкур қонун лойиҳаси билан патруль-пост хизматининг мансабдор шахслари томонидан тузилган маъмурий баённомаларни кўриб чиқиш ваколати уларнинг раҳбариятига ҳам берилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси маҳаллаларда криминоген вазиятни барқарорлаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини оширишни назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Парламент сўровига юборилган жавоб кўриб чиқилди

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ташаббуси билан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдухалимовга жўнатилган парламент сўровига қикинди полигонларини мақбуллаштириш, қаттиқ маиший қикиндиларни қайта ишлаш ҳамда утилизацияси борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантилган тушунтиришлар бериш сўралган эди.

Вазир томонидан парламент сўровига йўланган жавобда келтирилишича, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, қаттиқ маиший қикиндиларни тўплаш, утилизациялаш, қайта ишлаш ва қўйиш бўйича самарали тизимни яратиш мақсадида қабул қилинган 2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший қикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясига мувофиқ, 2019 — 2024 йилларда жами 48 та маиший қикинди полигони рекултивация этилиб, ёпилган.

Жавобда айтилганидек, жорий йилда 18 та қаттиқ маиший қикинди полигонини рекултивациялаш ва тупроқ билан ёпиш кўзда тутилган. 2025 — 2027 йилларда қунига 14 минг тонна қикиндини қайта ишлаш қувватига эга заводларни ишга тушириш режалаштирилган.

Шу билан бирга, муҳокама чоғида депутатлар томонидан юқоридаги стратегияда белгиланган айрим вазифаларнинг ижросини таъминлашда мuddатидан кечикиш ҳолатлари мавжудлигига эътироз билдирилди. Вазирлик бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш зарурлиги айтди.

Мажлисида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг саломатлигини асраш, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш масалалари депутатлар қорусининг доимий эътиборида эканлиги алоҳида қайд этилди. Ўз навбатида, қун тартибидеги ушбу долзарб масала юзасидан келгусида ҳам таъсирчан парламент назорати олиб борилиши маълум қилинди.

Парламент сўровига Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг жавоби юзасидан Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ВАШИНГТОНДА «ЎЗБЕКИСТОН БИЗНЕС ЕТАКЧИЛАРИ» ДАСТУРИ МУҲОКАМАСИ



“Америка кенгашлари” президенти Лиза Чоате сўнгги йилларда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан мамлакатда бизнес ва тадбиркорлиқни ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилганини таъкидлади.

— Биз Ўзбекистонда инглиз тилини биладиган ҳамда ўз бизнесини йўлга қўйган икки мингдан ортиқ ҳужжат топширган истеъдодли ва етакчи тадбиркорларни кўриб хайратда қолдик. Буларнинг барчаси мамлакатнингиз раҳбари томонидан олиб борилаётган самарали ислохотлар натижасидир. Хусусан, солиқ ва божхона имтиёзлари, кредит ва инвестицияларнинг оширилиши, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, янги инфратузилмалар қурилиши ҳамда давлат хизматларининг рақамлаштирилиши орқали бизнес муҳити сезиларли даражада яхшиланганининг гувоҳи бўляймиз.

АҚШ Давлат котибининг таълим ва маданият масалалари бўйича ёрдамчиси

«Дунё» АА. Вашингтон



Хонқа туманидаги “Биллур-салт” корхонасида ўн турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, ош тузи ишлаб чиқарилиб, улар ички бозордан ташқари — хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

Яқинда корхонада экстра туз ишлаб чиқариш бўйича қиймати 10 млн. АҚШ долларига тенг бўлган янги лойиҳа ишга туширилди.

— Германияда ишлаб чиқарилган замонавий технологик ускуналар келтириб ўрнатилган, корхонамизнинг экспорт салоҳияти янада ошди, — дейди бош мутахассис Хушнуд Қиличев. — Ишлаб чиқарилган маҳсулотни Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистонга жўналяймиз. Ўтган йили 11 минг тонна ош тузи етказиб берилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 30 минг тоннагача оширишни режа қилганмиз.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).



Юртимиз табиий-иқлим шароити бир йилда қамиди икки марта ҳосил олиш имконини беради. Айтилайлик, галла 15 — 20 июнгача йиғиштириб олинган тақдирда ҳам, ундан кейин қарийб тўрт ой, яъни 120 — 130 кун иссиқ ва ҳароратли давллар давом этади. Бошқача айтганда, саховатли заминимиз керакли микдорда фойдали ҳарорат йиғиндисини қабул қилади. Бу эса сабзавот, полиз, картошка ва дуққаки экинлар етиштириш учун аини мuddаодир. Бунга ўтган йили галладан бўшаган ерда озиқ-овқат экинлари экиб, мўмай даромад қилган фермерлар фаолияти яққол мисол бўла олади.

Бугуннинг гапи

“Асадбек орзу файз” фермер хўжалиги шулар сира-сига қиради. Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган мазкур фермер хўжалиги жамоаси ўтган йилги тахрибидан келиб чиққан ҳолда, галладан бўшаган 50 гектар майдонни дарҳол шудгорлаб, сабзавот, дуққаки экинлар ҳамда картошка уруғи қадади. Бунинг ҳисобига 13 нафар ишсиз фуқаро мавсумий ишга жалб этилиб, қора қозони қайнайдиған бўлди. Шундан 5 нафари ёш йигит-

лар эканлиги, айниқса, эътиборга молик. Бугун ички имкониятлардан оқилона фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш дунё мамлакатлари учун энг долзарб масала бўлиб қолмоқда. Шу боис ҳам мамлакатимизда тақоррий деҳқончилик эвазига ички бозорни арзон маҳсулотлар билан

тўлдириш, экспорт ҳажминини ошириш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Ўзбекистон фермерлари кенгашидан олинган маълумотларга қараганда, жорий мавсумда галладан бўшаган 900 минг гектар ерга тақоррий экин экиш белгиланган. Мутахассислар томонидан ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити, сув билан таъминланганлиги даражаси инобатга олинган ҳолда, картошка, сабзавот, полиз, дуққаки ва турмуш экинлар, шунингдек, тариқ ва сугурги экин тавсия қилинди.

Шундан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманидаги “Қудайберган Гулдана” фермер хўжалиги 20 гектар майдонга дуққаки экинларни жойлаштирган бўлса, Андижон вилоятининг Буюқбўши туманидаги “Тўхтасиний меваси” фермер хўжалиги 17,5 гектар майдонга полиз экинларини экиди. Натижада бугунги кунга қадар 731 минг гектар, бошқача айтганда, мўлжалдаги экин ерларининг 81 фоизига қишлоқ хўжали-

ги экинлари уруғи қадаб бўлинди. Қолган жойларда ҳам озиқ-овқат экинларини экиш ишлари якунига етказилмоқда.

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг ёшларга ер ажратиш бўйича ташаббуси билан қарийб 60 минг гектар ер қишлоқ йигит-қизларига берилган эди. Бу ҳам катта ҳаёт оstonасида турган ёшлар бандлигини таъминлаш борабариди, ички бозорни арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришда янги имкониятлар эшигини очди.

Бундай ерларда тажрибали фермерлар кўмагида деҳқончилик қилаётган 200 мингдан ортиқ қайратли ёшларимиз аини кунларда биринчи ҳосилни йиғиштириб олиб, иккинчи экинни экишга киришган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, уларнинг ҳар бири мавсум давомида ўртача 10 — 15 миллион сўм даромад олиши кутилмоқда.

Бинобарин, аграр соҳадаги ислохотлардан қўзланган мақсад ҳам, энг аввало, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришдир. Тақоррий экин экиб, ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган бугунги сазй-ҳаракатлар замирида эса халқимизнинг кундалик зарурий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш, юртимизда йилнинг тўрт фаслида ҳам нарх-наво мўътадиллигини таъминлашдек эзгу мақсад мўжас-сан. Зеро, тақоррий экиндан деҳқон ҳам, харидор ҳам манфаатдордир.

«Халқ сўзи».

ПИЁДАГА ЙЎЛ ҚАНИ?

Сардоба бозори жойлашган ҳудуд Наманган шаҳрининг энг гавжум масканларидан ҳисобланади. Атрофидаги кўчаларда транспорт воситалари ҳаракати жуда тизиз. Бироз ҳушёрлиқни йўқотган йўловчини шошалоқ ҳайдовчи автомобилда туртиб юбориши ҳам ҳеч гап эмас. Чунки одамларнинг кўпчилиги йўлнинг транспорт қатнов қисми четидан юришга мажбур бўляпти. Пиёдалар йўлақлари эса яқка тартибдаги савдогар ва хизмат соҳаси вакиллари томонидан эғаллаб олинган.

Во, ажабо!

Пиёдалар йўлагининг қатнов қисмига тадбиркорлар маҳсулотларини шундай ёйиб ташлашганики, йўловчининг эркин ҳаракатланишининг сира иложини йўқ. Айниқса, Қўқон қўчаси бошланишидаги йўлак жуда тартибсиз. Мева-чевасини мактаб харидорларини чорлаётганлар қўпчилигидан бу жойи гўёки бозорнинг бир бўлагига айланган. Унинг давомидаги ун маҳсулотлари сотаётган дўкончилар эса ўнлаб қоплар билан пиёдалар йўлагини тўсиб ташлашганидан йўловчилар ҳаётини хавфга қўйиб, автомобиль йўлининг қатнов қисмига қикиб кетишяпти.

Бу сингари таъбини хира қилувчи ҳолатларни вилоят марказининг бошқа қўлаб қўчаларидаги пиёдалар йўлақларида ҳам учратиш мумкин. Уларни ҳар кун кузатиб турган бўлса-да, ҳудудлардаги мутасадди идоралар раҳбарларининг парасвийфалар. Ростини айтганда эғаллаб олганларни тартибга қайтариб қўядиган кишининг ўзи йўқ.

— Аҳоли пунктларида ва уларга туташ йўл қисмларида ҳаракат жадаллигига қараб пиёдалар учун йўлақлар қуриш кўзда тутилган, — дейди Наманган вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича бош мутахассиси Анваржон Тўхтабоев. — Шаҳарсозлик нормалари ва қондаларига кўра уларнинг минимал кенглиги тахминан 1,5 метрдан 2 метргача бўлиши тавсия этилди. Шунда йўл бўйлаб бир неча пиёдалар ҳамда велосипедчиларнинг эркин ва хавфсиз ҳаракати таъминланади.

Бошқа жиҳати, йўлсозларнинг бундай йўлақлар сақланиши, таъмирига эътибори ҳам талабга жавоб бермайди. Носоз, ўнкир-чўнкир ҳолатга тушган жойларни ҳар қадамда учратасиз.

Яна бир мисол. Йўл бўйида жойлашган қўлаб давлат муассасалари ходимлари йўлақларни автомобиль сақлаш жойига айлантириб олган. Улар томонидан эрталаб қўйилган машиналар иш куни тугагунга қадар пиёдалар қатновига гов бўлиб туради.

Юқоридаги фикрлар билан пиёдалар йўлақлари масаласи бутунлай эътибордан четда қолган дейишга шошмаймиз. Ҳавас қилса арзийдиган манзаралар ҳам бор. Мингбўлоқ туманининг Қайрағочовул маҳалласи ахли ҳудуддан ўтган автомобиль йўлининг уч километр қисмидаги йўлакни ҳашар йўли билан таъмирлаб, соз ҳолатга келтирди. Масъулият ҳис этилган бошқа жойларда ҳам ўзбошимчалик билан эғаллаб олинган йўлақлардаги қурилма ва тўсиқларни бартараф этишга жиддий ёндашилмоқда. Бироқ бундай мисоллар саноқли. Масалага масъул ташкилотлар, биринчи навбатда, йўлсозлик, ҳаракат хавфсизлиги соҳаси, маҳаллий ҳокимият, фуқаролар йиғинларининг эътибори, доимий назорати билан ахволни яхшилаш талаб этилади. Жамоатчиликнинг фаол иштироки эса янада муҳим.

Маълумки, 9 июль куни давлатимиз раҳбари раислигида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва тирбандликни камайтириш бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, йўл бўйи инфра-тузилмасини яхшилаш борасидаги долзарб вазифалар ҳам белгилаб берилди. Айни йўналишдаги юмушлар орасида қатнов тизим бўлган қўчаларда пиёдалар йўлақлари бўлишини таъминлаш муҳим ўрин тутди. Зеро, хавфсизлик масаласи транспорт воситаси ҳайдовчиси учун қанчалик муҳим бўлса, пиёдалар учун ҳам ундан кам эмас.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

Мушоҳада

Сунъий интеллект (СИ)нинг таълим, айниқса, олий таълимга таъсири ҳақида гапирганда, эътибор унинг драматик ривожланишининг таҳдидлари ёки ноаниқликларига эмас, балки башоратларга қаратилади. Кўпгина муаллифларнинг таҳлиллари ёки ҳисоботлари сунъий интеллект аллақачон катта ўзгаришларни амалга ошираётгани ва бу келгусида муттасил давом этишини таъкидлаш билан бошланади.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ РИВОЖИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА?

СИ афзалликлари таълимни баҳолашда ҳам, тадқиқот жараёнларида ҳам, маълумотларда ҳам нотўғри қарашлар (масалан, бузилган маълумотлар) ва потенциал фарибгарлик (плагиат ёки сунъий интеллект томонидан яратилган контентдан нотўғри фойдаланиш) билан камаяди. СИ воситаларидан ахлоқий, сиёсий ва иқтисодий саволларни келтириб чиқарадиган муаммоларни ҳал этишда кенгрок фойдаланиш мумкин. Шу нуктага назардан қараганда, йирик технологиялар компанияларининг сунъий интеллектни ривожлантиришдаги устун ўрни вазиятни янада мураккаблаштиради. Чунки бу компаниялар умумий манфаатларга автоматик равишда мос келмайдиган ҳамда пухта ва танқидий текширишни талаб қиладиган технологияларни жорий этиш ҳамда кенгайтиришдан манфаатдор бўлиб, ҳозиргача бу борада жуда кам иш олиб боришган.

Сунъий ақлнинг таълимга «масъулиятли» интеграциялашуви таъминлашда ўқитувчилар — олимлар, тадқиқотчилар ва университет маъмурулари амалга ошириши керак бўлган ҳал қилувчи вазифа ҳақида консенсус мавжуд. Бу, биринчи навбатда, вазифалари бўйича фарқланган олий маълумотли мутахассислар учун касбий ривожланиш ва доимий тренингни ўз ичига олади. Шунингдек, улар билан лаборатория ҳамда санаотдаги СИ мутахассислари ўртасидаги фаол ҳамкорликни кўзда тутаяди. Ўқитувчилар, муҳандислар ва санаот тадқиқотчилари биргаликда ишлаш, ўқув натижаларини яхшилаш ҳамда билим, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сунъий идрок салоҳиятини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Айнан олий таълимда сунъий интеллект улкан салоҳиятга эга, деб қаралади. Ундан нафақат контент яратиш ва ўрганиш тажрибасини шахсийлаштириш, балки талабаларни таълимга янада чуқурроқ жалб қилиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, сунъий интеллектга асосланган ўқув платформалари машқларни талабаларнинг индивидуал эҳтиёжларига мослаштириши мумкин, фаол ўрганишни рабатлантирадиган шахсий фикр-мулоҳазаларни тақдим қила олади. Кўпроқ мета-таҳлил даражасида СИ, шунингдек, талабаларни уларга тақдим этилган маълумотни танқидий таҳлил қилишга ундаши мумкин, бу уларнинг тушунишни

чуқурлаштиради ва интеллектуал қатъийликни рабатлантиради. Масалан, плагиат текшируви ёки маълумотларни таҳлил қилиш алгоритмлари каби сунъий интеллект воситалари талабаларга ўз тадқиқотларининг ахлоқий жиҳатлари ҳақида фикр юритишга ёки манбаларининг ишончлилигини текширишга ёрдам беради.

Битта савол қолмоқда: сунъий идрокнинг таълим, айниқса, олий таълимдаги ўрни ҳақидаги жуда оптимистик қарашлар технология интеграциясининг тарихий моделларига мос келадими? Таълимдаги технологик ютуқлар тарихини, шунингдек, массивлигини ўрганиш, олий таълимда ҳалқаро рақобатнинг кучайиши бошқа муҳим саволларни ҳам туғдирмоқда. Биз чуқур институционал ўзгаришлар ёки таълим ва ўқитиш жараёнига қисман интеграциялашган тароққ амалиётларнинг гувоҳи бўламизми?

Ушбу саволларни тушуниш ва уларга жавоб бериш учун техно-

Олий таълимда сунъий интеллект одамлар ҳамда жамият учун катта фойда келтириши, шубҳасиз. Бироқ бу танқидий фикрлаш қобилияти ва академик яхлитлик кўпчилик таҳлилчилар кўрган ёки талаб қиладиган ўзгаришларнинг бошида туришини таъминлашга боғлиқ. Зотан, СИ генератив бўладими, бугунгидек тор йўналтирилганми ёки кўп мақсадлими, таълим ижодкорлики ҳар жиҳатдан ривожлантириши ва муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини яхшилаши керак.



Таълим ва тадқиқотда технологик воситаларнинг, хусусан, бугунги сунъий интеллектнинг қасддан ёки ҳақиқий интеграцияси ишлаб чиқариш ҳамда билимларни ўрганиш/ўқитиш жараёнларини стандартлаштирди, шу билан бирга, танқидий ёндашувларнинг йўқолиши ҳақида ташвиш уйғотди. Бироқ пайдо бўлаётган фанлараро саёй-ҳаракатлар, жумладан, «техно-рақамли инсонпарварлик»ни аниқлаш имконияти, технологик тарақ-

лар билан жиҳозлаш, таълимни технологик ва иқтисодий эҳтиёжларга мослаштириш бўйича узоқ йиллик тенденция давом эттириш учун санаот билан ҳамкорлик қилишга қақирилади.

Учинчидан, кўряпмизки, сунъий интеллект ўқитиш, тадқиқот ва бошқарувни шакллантириш орқали олий таълимга таъсир кўрсатиши билан бирга, ўзгаришларнинг ягона омилли эмас ва ўнлаб йиллар давомида олий таълимнинг ўзаги бўлиб келган касбий босимни юмшатиш ва инновациялар учун рақобатбардошликни ошириш учун стратегик жиҳатдан фойдаланилади. Шунингдек, таълимнинг олий таълим катта ўзгаришларни бошдан кечирмоқда, нуфузли университетлар жаҳон стандартларини белгилайди ва бошқалар маҳаллий иловаларга эътибор қаратади. Технологик илм, рақамли воситалар ҳамда СИ инновациялар ва иқтисодий ўсишни таъкидлайдиган бошқарув моделлари ҳимойилигида ўқитиш ёки тадқиқотни қайта шакллантирмоқда.

Сунъий идрок орқали таълимни тубдан ўзгартириш ҳақидаги башорат ҳали ҳам ҳақиқатдан узоқ. Мураккаб технологиянинг ўзи инсон таълимининг турли мақсадлари ва чекловларини ҳал қила олмайди. Шунингдек, тадқиқот, жамоат хизмати ёки ўқитишни ҳам сифат жиҳатдан ўзгартирмайди. СИнинг тўлиқ шахсийлаштирилган ўрганишга ўтиши каби таълим башоратлари ҳали амалга оширилмайди. Бундан ташқари, СИ ва оммабоқ очик таълим тизимлари каби технологиялар кўпинча мавжуд тенгсизликларни кучайтиради, автоном тарзда ўрганиш учун зарур бўлган кўникмаларга эга бўлганларга фойда келтиради ва бошқаларни ортда қолдиради. Шунингдек, СИ воситаларининг тўлиқ ўрганиш каби соҳаларда тарққиёт чекланганича қолмоқда. Кўпгина таълим дастурлари минимал шахсийлаштириш билан чизилган, ягона ўлчамли ёндашувларга амал қилади.

Аммо инқилобий башорат ҳақиқатдан узоқ бўлса ҳам, (генератив) СИ аллақачон каттароқ рақамли экотизимнинг бир қисми бўлиб, таълимни тобора ўзгартирмоқда. Сунъий интеллект воситалари мультимедиа имкониятлари ва қулай интерфейслари билан тўлиқ ўрганиш, математика ҳамда информатика каби турли фанлар бўйича бошланғич курс талабала-

Халқ сўзи
Народное слово

ТАНЛОВИ

рига, ҳақиқатан ҳам, фойда келтириши мумкин. Бу воситалар, шунингдек, талабаларга аноним тарзда машқ қилиш имконини беради, мулоҳазалар ва хижолатларни минималлаштиради.

Албатта, сунъий интеллект расмий ва норасмий таълим ўртасидаги чегараларни йўқотиб, одамлар учун янада қулайроқ таълим тажрибасини тақдир этади. Аммо олий таълим муассасалари, айниқса, билимларни баҳолашда мазкур ўзгаришларни қабул қилишда сусткашлик қилмоқда. Магистратура ва докторлик дастурлари каби тадқиқотни талаб этадиган фанларда СИнинг таъсири тезроқ бўлади ҳамда унумдорлик ва ўқув натижаларини яхшилаши мумкин.

Сунъий идрокнинг ҳақиқий таъсири баҳолаш учун баъзи соҳаларга эътибор қаратилмоқда. Масалан, у санъат ёки ижодий таълимда ҳам қизиқтири уйғотди. Баъзи инсон таълимининг турли мақсадлари ва чекловларини ҳал қила олмайди. Шунингдек, тадқиқот, жамоат хизмати ёки ўқитишни ҳам сифат жиҳатдан ўзгартирмайди. СИнинг тўлиқ шахсийлаштирилган ўрганишга ўтиши каби таълим башоратлари ҳали амалга оширилмайди. Бундан ташқари, СИ ва оммабоқ очик таълим тизимлари каби технологиялар кўпинча мавжуд тенгсизликларни кучайтиради, автоном тарзда ўрганиш учун зарур бўлган кўникмаларга эга бўлганларга фойда келтиради ва бошқаларни ортда қолдиради. Шунингдек, СИ воситаларининг тўлиқ ўрганиш каби соҳаларда тарққиёт чекланганича қолмоқда. Кўпгина таълим дастурлари минимал шахсийлаштириш билан чизилган, ягона ўлчамли ёндашувларга амал қилади.

Тил ўргатиш йўналишида чат-ботлар ва лингвистик моделлар каби сунъий интеллект воситалари талабалар, айниқса, янги бошловчилар учун қулай имкониятларни тақдим этаётди. Бироқ бу воситалар қимматли ёрдам кўрсатса-да, улар кўпинча мураккаб алоқа вазифалари учун зарур бўлган имкониятларга эга эмас. Юқори технологияларга асосланган ақли репетиторлик тизимлари мослаштирилган фикр-мулоҳазалар ва шахсийлаштирилган ўрганиш тажрибасини тақдир этиш орқали ушбу муаммоларни ҳал қилиш имкониятига эга.

Аммо ҳозирги иловаларнинг аксарияти ўқув тажрибасини тўлиқ шахсийлаштириш қобилиятида чекланган. Шунга қарамай, сунъий интеллект учун маълумотларга асосланган алгоритмлар ва таҳлиллар орқали ўрганишни шахсийлаштириш имконияти катта.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология
институтини ректори, профессор.



Жараён қатъий назорат остида бўлиб, абитуриентлар фақат шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID-карта) ва рухсатнома билан имтиҳонга кириштиломоқда. Сумка, телефон, ҳамён, соат ҳамда бошқа шахсий буюмлар махсус сақлаш жойига топширилмоқда, у бепул ва кафолатланган.

Қайд этиш жоизки, талабгорлар ўзини бемалол ҳис қилиб имтиҳон топширишлари учун кенг ва ёруғ павильонларда қулай парталар, сув, ручка қаламлар, қоралама учун варақлар, математика ҳамда физика формулалари, қимё фандан тест топширувчилар учун Менделеев жадвали ҳам тақдим этилган.

Имтиҳон маҳалида абитуриентлар 3 соат ичида 3 та мажбурий ва 2 та ихтисослик фандан 90 та тест топширишади ва уларнинг тўплаган баллари тест синовий ўтказилган куннинг эртасига, талабалikka тасвир этилгани ёки этилмагани бўйича танлов натижаси қабул жараёнининг иккинчи босқичи тўлиқ аёнланганидан кейин бир ҳафта муддатда агентликнинг расмий веб-сайтига жойланади.

Жараёнлар жуда қизгин кечди ва менга унутилмас хотираларни, ҳаяжонларни бахш этди, — дейди абитуриент Темурбек Самандаров. — Биринчи кундан имтиҳонга киришнинг ҳаяжони ҳам, масъулияти ҳам катта бўларкан. Шу пайтгача тўплаган билимларни, устозлардан ўрганганларни асосида тестларни ечим, ҳар ҳолда ўзимдан кўнглим тўқ, Насиб қилса, албатта, тала-

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда тест синовлари максимал даражада шаффоф ўтказилмоқда, коррупция хавфлари бартараф этилмоқда. Бу эса йилдан-йилга олий таълим муассасаларига киришни истовчилар сафи ортishi ҳамда уларнинг тизимга нисбатан ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тест синовлари 23 июль кунини аёнланади.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

Қизиқиш билдиришда сўров

«Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик» лойиҳаси

Кредит рақами: 7425-UZB

Хизмат тавсифи: «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология парки дирекцияси» МЧЖ «Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик» лойиҳаси доирасида UZ-DIP-497860-CS-INDV – GameDev бўйича мутахассис хизматлари учун халқаро шахсларни («Индивидуал консултант») қизиқиш билдиришга тақдир қилади.

Қизиқиш билдиришнинг охириги мuddати: 2025 йил 27 июль.

Батафсил маълумот учун:

udid@it-park.uz,

(71) 209-11-99, (90) 929-60-49

«НУРАФШОН»ДА КЕЧАЁТГАН РАНГИН ЛАҲЗАЛАР



«Нурафшон» ёзги болалар дам олиш оромгоҳи Китоб туманининг Қайнар қишлоғи ҳудудига, салқин, сўлим ва баҳаво манзилда жойлашган. Айни пайтда оромгоҳда 3-мавсумда 200 нафарга яқин болажонлар мароқли ҳордиқ чиқармоқда. Уларнинг истёждодини юзага чиқариш, жамоавийлик ва ташаббускорликини оширишга қаратилган спорт мусобақалари, ижодий танловлар, маънавий-маърифий мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказиб боришмоқда.

«Ёзги таътил — 2025»

Ана шундай тадбирлардан бири Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари, сенатор Комила Каримова ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси Исмигул Хушмуродова иштирокида ташкил этилди.

— Тадбир доирасида оромгоҳда яратилган шарт-шароитлар билан танишдик, болажонлар билан дилдан мулоқот қилдик, — дейди сенатор Комила Каримова. — Шу билан бир қаторда, уларнинг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда ижодий, интеллектуал танловлар ҳамда спорт му-

собақалари ҳам ташкил этилди. Бугунги ёшларимизнинг ҳар жабҳада фаоллиги, зукколиги, билими бизни хурсанд қилди.

Оромгоҳда ўтказилган танлов ва мусобақаларда фаоллик кўрсатган болажонларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Жаҳонгир БОЙМУРДОВ
(«Халқ сўзи»).



Жорий йил 14 июль ҳолатига кўра республика бўйлаб жами 200,3 минг тонна уруғлик дон жамғарилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 875 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратга келган кўлашмалар тақдир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета таҳрират компьютер марказида термал ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.08 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6